Ўзбекистон овози

Кундалик ижтимоий-сиёсий рўзнома

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 207 (21. 074) 1991 йил 25 октябрь, жума ● Йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

Ислом КАРИМОВ, Ўзбекистон Президенти:

БИЗ КОНФЕДЕРАЦИЯ ТАРАФДОРИ!

● Маълумки, Ўзбекистон давлат мустақиллигини эълон қилгани билан республика бир неча ўн йилликлар мобайнида вужудга келган алоқани бузмасликни, ягона иқтисодий ҳамкорликда қолиб, шунингдек, янги Иттифоқ шартномасига имзо чекишни ҳам режалаштирмоқда.

— Ислом Абдуғаниевич, ҳозир сўзимни барчани тўлқинлантириб турган саволдан бошлай қолай: Сизнинг назарингизда янги Иттифоқ шартномасининг имзоланиши ва қабул қилинажак янги Конституциянинг истиқболлари қандай?

— Ҳозирги босқичда биринчи галда янги бозор муносабатларини ҳисобга олган ҳолда ягона иқтисодий ҳамкорлик билан боғлиқ бўлган республикалараро ва регионлараро интеграция масалалари ва муаммоларини ҳал этиш лозим. Бусиз биз бозорга бора олмаймиз ва энг муҳими — келаётган қишни ўта оғир кечирамиз. Шунинг учун ҳам ҳозир зудлик билан ҳал қилиниши талаб этилаётган энг долзарб масалалардан бири, бу — Иттифоқ шартномасини имзолашдир. Менинг назаримда, август тўнтаруви арафасида имзоланишга тайёрланган ҳужжат эндиликда мутлақо яроқсиз. Бугунги кунда биз янги шартномага унда конфедератив Иттифоқ принциплари сақланиши шарти билангина имзо чекишимиз мумкин.

Янги Иттифоқ Конституцияси масаласига келсак, айтишим мумкинки, яқин келажакда бундай ҳужжат ишлаб чиқиш учун ўткир эҳтиёж кўраётганим йўқ. Ахир, ҳозир гап мустақил Конституциясига эга бўлган мустақил давлатлар устида кетяпти.

Бироқ, шу билан бирга мен зарурат туғилса мустақил иттифоқдош давлатлар учун муштарак бўлган ана шундай янги ҳужжат пайдо бўлиши мумкинлигини ҳам истисно этмайман.

— Айрим республикалар истиқлолга эришгач, ўз пулини жорий этишга жиддий киришдилар. Ўзбекистон ҳам келажакда мустақил пулига эга бўлишни режалаштяптими?

— Республикамиз ички пул муомаласини истаган пайтда кўриб чиқишимиз мумкин. Бунинг учун бизда имконият ҳам, жорий этилажак ақчамизнинг барқарорлигини таъмин этишга қодир иқтисодий қудрат ҳам етарли. Мен бу ўринда Ўзбекистон ҳудудидан топилган ва кавлаб олинаётган юқори сифатли олтин заҳираларини назарда тутяпман. Бироқ биз ҳозирча бирон-бир ўзгариш қилиш ниятида эмасмиз. Ахир, ўзаро иқтисодий ҳамкорлигимиз ягона молиявий валюта тартибисиз қуруқ гап бўлиб қолади.

— Ислом Абдуғаниевич, Ўзбекистон иқтисоди ҳақида гапирганда пахтани эсламай иложимиз йўқ. Республика бу қимматбаҳо ўсимликни етиштирувчи асосий ўлкалигича қолаяпти. Айтингчи, 1991 йил ҳосилининг аҳволи қандай?

— Республикамиз пахтакорлари учун бу йилги шароит ўта мураккаб келди. Май ойларида ёққан дўл аралаш жалалар натижасида экин майдонларининг тўртдан бири вайрон бўлди. Зарар кўрган пайкалларнинг ярмидан кўпроғини бузиб, қайта экишга тўғри келди. Бу эса шубҳасиз пахта толасининг таннархига таъсир этади. Жорий йилда ҳомчўтларимиз бўйича 4,5 миллион тонна пахта хом ашёси йиғиштириб олишни мўлжаллаб турибмиз. Пахтачиликда иқтисодий самарадорликни ошириш, шунингдек, пахта етиштирувчи хўжаликларнинг моддий-техника ресурсларини сотиб олишда ортиқча сарф-ланаётган харажатларни қисман бўлса-да қоплаш мақсадида республика Вазирлар Маҳкамаси шу йилдан эътиборан пахта хом ашёси ва толасининг улгуржи ва чакана нархларини ўртача 50 фоизга ошириш ҳақида қарор қабул қилди.

— Ўзбекистон пахтаси биржа товари бўладими?

— Менимча, биз шундай кунга етиб келдик. Товар ва хом ашёни марказдан туриб тақсимлашдек ярамас тартиб ўз ўрнини ҳақиқий бозор муносабатларига бўшатиб бериши шубҳасиз. Бозор муносабатларининг энг муҳим жиҳатларидан бири — бу биржадир. Ўзбекистон биржаларида ўзаро битим асосида маҳсулот айирбошлаш билан бирга-ликда пахтага халқимиз эҳтиёжи учун зарур бўлган моллар, қурилиш материаллари, саноат асбоб-ускуналарини алмаштириш бошлаб юборилди.

— Кейинги пайтларда Ўзбекистонда кузатилаётган биржавий шов-шувларга қандай қарайсиз?

— Бунинг ажабланарли жойи йўқ, бундай ҳолни мен табиий бир жараён деб ҳисоблайман. Қолаверса, бу бозор муносабатлари барқарорлашиб, эркин ишбилармонлик ривож топиб бораётганидан далолат.

— Айтишларича, Ўзбекистонда биржалар фаолиятига доир қонун тайёрланаётган экан?

— Ҳа, шундай қонун лойиҳаси республика парламентининг навбатдаги сессияларидан бирида депутатларимиз ҳукмига ҳавола этилади.

— Суҳбатингиз учун ташаккур.

Суҳбатдош Юрий ГАЛИМОВ,
(«Деловой мир» рўзномаси, 16 октябрь, 1991 йил).

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг

ФАРМОНИ

М. МИРСАИДОВНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет адабиётини ривожлантириш ва тарғиб қилишдаги катта хизматлари, самарали жамоат фаолияти учун «Гулистон» журналининг бош муҳаррири Мирмуҳсин **Мирсаидов Ленин** ордени билан мукофотлансин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти
М.ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 22 октябрь.

МАРРА ЯҚИН, ҒАЙРАТГА-ҒАЙРАТ ҚЎШАЙЛИК!

ДОВОН ОШИБ

Андижон вилояти механизаторлари кейинги йилларда биринчи марта машинада пахта териш йиллик режасини уддалашди. Вилоят бўйича бугунгача тайёрланган 340 минг тонна пахтанинг 184 минг тоннаси агрегатлар бункеридан тўкилди.

Балиқчи, Бўз, Комсомолобод, Марҳамат ва Москва районлари машинада пахта териш режасининг бажарилишига салмоқли ҳисса қўшдилар.

МОСКВА райони пахтакорлари Андижон хирмонига 30 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» тўкишди. Ялпи ҳосилнинг 16 минг тоннаси машиналар ёрдамида териб олинди.

МАРҲАМАТ райони пахтакорлари эса давлатга 20700 тоннадан кўпроқ пахта топширишди. Ҳар гектар ердан 25,3 центнердан хирмон кўтарилди. Режага қўшимча яна 3,3 минг тонна «оқ олтин» териб олишга аҳд қилинди.

ОЛТИНКЎЛЛИКЛАР ҳам йиллик пахта тайёрлаш режасини бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Уларнинг бугунгача терган пахтаси 28 минг тоннадан ошиб кетди. Ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил олган район пахтакорлари яна 2 минг тонна пахта топшириш учун меҳнат қилмоқдалар.

БАЛИҚЧИ райони пахтакорлари давлатга 42200 тоннадан кўпроқ пахта топширишди. Шундан 21,5 минг тоннаси машинада терилди. Мажбурият ҳисобига пахта топшира бошлаган район мирзакорлари ялпи ҳосилни 45 минг тоннага етказишга қарор қилдилар.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

●

Бу йилги пахта йиғим-терими мавсуми ҳам баракали бўлди. Ўртачирчиқликлар давлатга салкам 40 минг тонна хом ашё топшириб, вилоятда иккинчи бўлиб йиллик режани бажардилар. Ҳосилнинг асосий қисми машиналар ёрдамида йиғиштириб олинди. Теримда қатнашган 319 та машинанинг ҳар бири ҳиссасига 113 тоннадан хом ашё тўғри келди. Район хирмонига вилоятда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасини адо этган Ким Пен Хва номли, Ленин номли, Акмал Икромов номли, Охунбобоев номли, «Ленин йўли», Куйбишев номли, Свердлов номли жамоа хўжаликлари баракали улуш қўшдилар

Район пахтакорлари айни пайтда жами ҳосилни териб олиш ва келгуси йил тараддудида қизғин меҳнат қилмоқдалар.

А. МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● Фарғона вилояти. Республикамизнинг «оқ олтин» хирмони тўрт миллион икки юз минг тоннадан ошди. Бунда пахта қабул қилиш пунктлари ишчиларининг ҳам ҳиссаси катта. Масалан, Киров районидаги «Яккатут» пахта қабул пункти бу йил 800 тонна ҳосилни қабул қилиб олди. Бу ерда 15 транспортёр, 60 дан зиёд малакали ишчи меҳнат қилмоқда. Улар маҳсулот сифатига алоҳида эътибор беришади.

СУРАТЛАРДА: Ёш ишчи Тўрақул Облиқозиев ва қабул пунктидаги зарбдор меҳнат жараёни тасвирланган.

Т. МАҲКАМОВ олган суратлар (ЎзТАГ).



«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Республика вилоятларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 24 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Режага нисбатан фоиз ҳисобида)

биринчи устун — вилоятлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта, бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

БУХОРО	0,74	108,90	0,56	84,12
ФАРҒОНА	0,48	103,57	0,38	94,98
ҚАШҚАДАРЁ	0,96	103,48	0,84	112,01
Жиззах	1,02	99,10	1,19	120,98
Наманган	1,58	98,89	1,17	104,64
Сурхондарё	1,31	97,99	0,73	103,99
Сирдарё	0,83	97,94	0,69	108,97
Андижон	1,15	94,50	1,12	102,03
Тошкент	1,26	91,99	1,10	100,62
Самарқанд	1,63	89,69	1,47	96,41
Хоразм	1,04	72,69	0,80	42,77
Қорақалпоғистон республикаси	1,18	70,94	0,94	68,55
Республика бўйича:	1,09	95,21	0,92	97,91

Шу жумладан, ингичка толали пахта:

Сурхондарё	1,49	98,82
Қашқадарё	1,14	96,01
Бухоро	3,14	94,35
Наманган	1,09	80,99
Андижон	0,86	33,77
Республика бўйича:	1,45	97,11

Эшитмадим, деманглар

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

КУЧЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ

● Олмалиқ шаҳрида олимлар ва саноат ходимларининг амалий учрашуви бўлди. Саноат ва маиший чиқиндиларини қайта ишлаш, Ангрен кўмир кони бойликларидан комплекс фойдаланиш технологияси республика «банки»ни тузишга ёрдам кўрсатди. Учрашувни Ўзбекистон давлат табиатни муҳофаза қилиш комитети, «Атмосфера» илмий ишлаб чиқариш маркази ҳамда Олмалиқ кимё заводи жамоаси ташкил этди.

Аниқ таклифлар ишлаб чиқилиши куч-ғайратнинг бирлаштирилганлигидан дарак берди. Тижорат ёйма бозори эса учрашув қатнашчиларида кучли таассурот қолдирди.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Россия, Болтиқбўйи республикаларининг мутахассислари учрашув иштирокчилари бўлишди.

ҲАМКАСБЛАР ДАВРАСИДА

● «Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида «Ўзбекистон автотранспорти—70 ёшда» мавзуида илмий-анжуман бўлди. Ўзбекистонлик автомобилчилар бошқа республикаларда ҳамкасбларини байрамга таклиф этишди.

Анжуманда Ўзбекистон республикаси автотранспорт вазири Л. А. Ахметов маъруза қилди.

«ЮЛДУЗ ВА ИЛҲОМ ПАРИСИ»

● Республикамизда шу ном билан маданий ҳамдўстлик минтақа маркази пайдо бўлди. Марказ Ўзбекистон маданият ходимлари касаба уюшмаси марказий комитети ташаббуси билан тузилди. Ўрта Осиё республикалари ҳудудида — Туркистон Ҳарбий округининг ҳарбий қисмларида ҳарбий оталиқ ишларида шуғулланиш марказнинг бош мақсадидир.

Белгиланган тадбирлар ранг-баранг: турли мавзуларда кеча ва учрашувлар ўтказиш, кўргазмалар ташкил этиш кўзда тутилади. Республикадан ташқарида хизматни ўтаётган ўзбекистонлик аскарлар билан доимий алоқа ўрнатиш режага киритилган.

МАМЛАКАТИМИЗДА

МУҲОКАМАДА ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАР

● Кеча Кремлда янги таркибдаги мамлакат парламенти — Республикалар Кенгаши билан Иттифоқ Кенгашининг иши давом этди. Палаталар алоҳида-алоҳида мажлисларга тўпланишди.

Иттифоқ Кенгашида палаталар доимий комиссияларининг рўйхати тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш поёнига етказилган бўлса, Республикалар Кенгашида эса депутатлар гуруҳи ишлади.

Парламент аъзолари бир қанча ташкилий масалаларни муҳокама қилдилар, қонун лойиҳаларини кўриб чиқишга киришдилар.

ЧОРЖЎЙДА ЯРИК КОРХОНА

● Чоржўй нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилди. Корхона Сибирь конларида қазиб олинган нефтни қайта ишлайди.

Қардош Қозоғистон ва Ўзбекистон орқали тортилган кўп километрли нефть қувуридан бу ерга нефть оқиб келади. Чўлдаги азим корхонани бунёд этишда мамлакатимиз меҳнат жамоалари билан бирга Чехословакия мутахассислари ҳамда собиқ ГДРдан келган хизматчилар иштирок этишди.

Корхона ишга туширилиши муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Республика Президенти С. Ниёзов корхона Туркманистон иқтисодиётини ривожлантириш учун жуда катта аҳамиятга моликлигини таъкидлади.

ХОРИЖДА

АМЕРИКАГА ТАШРИФ

● Қирғизистон Президенти Асқар Акаев чоршанба куни Америка пойтахти — Вашингтонга ташриф буюрди. У сафарнинг биринчи кунида АҚШ конгрессига борди, Қўшма Штатлар қонун чиқарувчи олий органининг иши билан танишди.

Қирғизистон Президенти ТАСС мухбири билан суҳбатлашиб, АҚШ пойтахтига ташрифининг мақсадлари ҳақида гапириб берди. У АҚШ президенти Жорж Буш билан учрашажагини ва унга СССР Президенти Михаил Горбачевнинг мактубини топширмоқчи эканини таъкидлади.

КУТИЛГАНИДАН ЗИЁДА

● Болгария Президенти Ж. Желев ўзининг Россияга қилган ташрифини ғоят самарали деб атади. София аэропортида у журналистлар саволларига жавоб бериб, ташриф натижалари кутганимиздан зиёда бўлди, деди у.

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН МУЛОҚОТДА

● Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қарорғоҳида СССР ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари В. Петровский журналистлар билан учрашди. У агар Хавьер Перес де Куэляр учинчи муддатга БМТ Бош котиби лавозимига ўз номзодини кўрсатса, Совет Иттифоқи уни қўллаб-қувватлайди, — деди.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Дастури ва Низоми лойиҳалари—умумхалқ муҳокамасида

СТАЖ САҚЛАНИШИ ЛОЗИМ

Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Дастури ва Низоми лойиҳалари янада ривожлантирилиши ва таҳрир этилиши лозим. Маълумки, собиқ компартия аъзоларининг кўпчилиги ўзларининг партиявий стажларини тўла сақланиб қолинишини истайдилар. Зеро, орамизда аъзолик стажи 40 йил ва ундан ҳам кўп бўлган соф виждонли фирқа аъзолари бор. Улар оғир даврларни бошдан кечирдилар, халқ манфаати учун ишладилар. Бундайлар кўпчиликни ташкил этади. Шундай экан, **Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Низоми лойиҳасига «собиқ компартия аъзоларининг стажлари Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясида тўла сақланиб қолади»**, деб ёзиб қўйилишини таклиф қиламан. Уларнинг устозлик тажрибасидан фойдаланишимиз керак. Бу мустақил жумҳуриятимизнинг равнақ топишида муҳим роль ўйнайди.

Г. СИДДИҚОВ,
меҳнат фахрийси.

ЭҲТИЁТКОРЛИК МАЪҚУЛ

Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Дастури лойиҳасидаги «Партия ерни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан шахсий фойдаланишга ва ижара принциплари асосида эгалик қилишга кенг миқёсда топшириш тарафдоридир», деган қоидани қуйидаги таҳрирда бериш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман: **«Партия ерни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан шахсий фойдаланишга ва узоқ муддатли ижара принциплари асосида эгалик қилишга кенг миқёсда топшириш тарафдоридир»**. Зеро жойларда шу соҳада тўпланган тажриба фақат узоқ муддатли ижара шароитидагина ердан оқилона фойдаланиш мумкин эканлигини кўрсатмоқда. Шундай қилинмаса ижарачи мўмай даромад пайида ернинг тинкасини қуритиб юборади, унинг ҳосилдорлигини тиклаш ташвишлари эса яна жамоа зиммасига тушади.

Б. ФАЙЗИЕВ,
Пешку районидаги «Пешку» давлат хўжалиги ҳисобчиси.

УМИД ВА ИШОНЧ

Мустақил ва ҳур республикамиз ўз бошидан тарихий ва том маънода инқилобий кунларни кечирмоқда. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Дастури лойиҳасида кўп миллатли Ўзбекистоннинг равнақи йўлида партия амалга оширишни кўзда тутаётган улкан вазифалар баён қилинган. Партия ташкил топган кундан бошлабоқ ўзи кўзлаётган мақсадни рўёбга оширишга киришсагина халқ ишончини қозонади, халқ унга эргашади, обрў топа бошлайди.

Ҳозир халқимизни чайқовчилик, жиноятчилик каби иллатлар ташвишга солаяпти. Шу боис Дастур 1-бўлимининг 10-сўзбошига **«жиноятчилик, тартиббузарлик, бировнинг ҳақига ҳиёнат қилиш ва олиб сотарликка қарши аёвсиз курашувчи жамиятни»**, деб қўшиб қўйилишини таклиф қиламан.

Энди ХДП Низоми лойиҳаси ҳақида. Унда ХДП компартиядан фарқли ўлароқ тамоман янги сиёсий ташкилот эканлиги айтилган. Шундай экан **янги ташкилотга раҳбарлик кимларга топширилади? Айниқса асосий ишни юзага чиқарувчи қуйи ташкилотлар раҳбарлари ҳам янгиланадими ёки йўқми? Шу ҳақда Низом лойиҳасига аниқлик киритилиши лозим.** Шунингдек, Низом лойиҳасидаги «Партияни ташкил қилиш принциплари» бўлимидаги **«Район, вилоят партия ташкилотларининг котиблари шу давргача мазкур лавозимга сайланувчи шахс икки мартадан ортиқ сайланмаган бўлиши шарт»** деб ёзиб қўйилишини таклиф қиламан. Ҳар ҳолда янги партия ташкилотларини янги раҳбар бошқарса, дуруст бўларди. Раҳбар ходимлар яширин овоз бериш йўли билан сайланиши ҳам керак, чунки халқимиз «Одамнинг юзи исқи» деб бежиз айтмайди...

Умуман олганда, яхши ният — ёрти мол бўлганидек, янги партиямиз халқимиз дилидаги яхши умидларни амалга оширишга ишонаман.

М. СИДДИҚОВ,
Ўзбекистон районидаги 49-мактаб ўқитувчиси, республика халқ маорифи аълочиси.

ТАКЛИФ ҚИЛАМАН

Низом лойиҳасининг «Партияни ташкил қилиш принциплари» бўлимидаги 16-модданинг дастлабки жумласини қуйидаги таҳрирда ўзгартириш лозим, яъни: **«Партия ташкилотлари ва сайланган органларида кўпчилик томонидан қабул қилинган қарор партиянинг барча аъзолари учун мажбуриийдир»**.

С. НИЗОМИДДИНОВ, Фарғона вилояти.

* * *

Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясига **қабул қилинадиган фуқаронинг ёши 21 ёки 22 дан юқори бўлиши лозим.**

Н. МИРЗАБЕКОВА, Тошкент.

* * *

Дастур лойиҳасининг «Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари ва анъаналарини ҳисобга олган ҳолда — бозор муносабатлари сари» бўлимининг 7-сўзбошиси янги таҳрирда, яъни **«Партия ерни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан шахсий фойдаланишга ва ижара принциплари асосида эгалик қилишга шахсларнинг қобилиятига қараб берилишини таъминлайди. У кооператив, жамоа ва якка тартибдаги деҳқон хўжаликларининг тўла тенглигини таъминлайди ва ҳар қандай бюрократик тўсиқлардан ҳимоя қилади»**, деб ёзилиши лозим. Бунинг боиси ер, ижара ва фермерлик тўғрисида қонунлар қабул қилинган бўлсада, амалда шу соҳада кўпдан-кўп тўсиқлар ва қийинчиликларга дуч келиняпти.

М. ҚУШБОҚОВ, Андижон вилояти.

1.

ОРТДА ҚОЛГАН ИЗТИРОБЛАР

Репортаж

Беморга малҳамдек ҳаёт бағишла,
Чорасиз қолганга нажот бағишла.
Носир ҲИСРАВ.

Эшик тепасида одамни чуқур ҳаяжон ва ўйга солувчи огоҳлантириш ёзуви пайдо бўлди:

«Жим! Операция кетяпти!».

Конимехдан келтирилган бемор Қидирбой Тўраев операция столига олиб ўтилди. У бундан тўрт йил бурун автомобиль ҳалокатига учраган. Ўнг сон суягининг пастки қисми синиб, сохта бўғин пайдо бўлган. Ўнг тизза бўғинининг битмай қолиши оқибатида ўнг оёғи саккиз сантиметрга калталаниб қолган. Бунгача уч мартаба операция қилинган. Бироқ ҳаммаси муваффақиятсиз чиққан. Ва ниҳоят иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб, уйда ўтириб қолган.

Суяк-тери эмас. Анатомларнинг айтишича, у мустаҳкамлиги жиҳатидан мармарга, ёпишқоқлиги жиҳатидан эса дубга ўхшайди.

Жарроҳ Ўнгбоев ички суяк операциясини қилишга киришди. Ҳаяжонли дақиқалар бошланди. Қандайдир кучли юк киши елкасини босиб келади.

— Скалпелни беринг! — Ўнгбоев майинлик билан ҳамширага мурожаат қилади.

Юмшоқ тўқималар оҳиста кесилиб, суяк очилди. Тоштемир Эшонқулович бўғинда бошқа кутилмаган ўзгаришлар бор-йўқлигини аниқлаш мақсадида уни яхшилаб кўздан кечирди ва бармоқлари билан оҳиста пайпаслаб кўрди. Ниҳоят, операциянинг мураккаб ва оғир босқичи бошланди.

Ўнг сон суягининг сохта бўғин пайдо бўлган жойидан ўсиш қобилиятини йўқотган суякдан уч-тўрт сантиметр жойи кесиб олиб ташланди. Суяк битишини тезлаштириш мақсадида сон суягининг пастки қисмидан ўн сантиметр узунликдаги ва бир ярим сантиметр энликдаги суяги кесиб олинib, пастки қисмига силжитилди. Пастки қисмидан кесиб олинган узунлиги уч сантиметр ва эни бир ярим сантиметр бўлган суяк тепа томонга уланди. Бу суяклар ташқи томондан Антонов—Каплан металл пластинкаси ва олтита шуруп билан маҳкамлаб қўйилди.

Бундан ташқари қотиб қолиб, функциясини йўқотган ўнг тизза бўғинида ҳам мураккаб операция ўтказилди. Операция кучли наркоз йўли билан қон ва унинг ўрнини босувчи суюқликлар орқали бажарилди. Қарийб беш соат давом этган бу мураккаб операцияда фан номзодлари Гули Кожаҳматова, Жўра Эргашевлар ассистентлик қилдилар.

Тоштемир Эшонқулович юзидан оқ докани аста кўтарди-да, пешонасидан маржон-маржон совуқ терларни сидириб ташлаб, ассистентларига кулимсираб қаради. Бу кулимсираш бир қарашда оддийдек кўринсада, аслида ундай эмас эди. Ахир, бемор учун ажал билан жон талашиш гугурт чаққандек гап эмаскў. Биз эндиликда баъзан жасорат сўзини ишлатишдан чўчийдган бўлиб қолганмиз. Нима, шунга арзимабдими?! Беморга бир умрга тотли, умидли ҳаёт инъом этилди-ку! Бу шунчаки айтишга осон. Ўзингизни шу оиланинг бир аъзоси сифатида қўйиб кўринг-чи?! Бугун яна бир беморнинг умр дафтари узайишига имконият яратилди. Хўш, ана шу самимий кулимсираш бурч ва садоқат, умид ва ишонч, меҳр ва оқибат чашмаси, чин инсонийлик ёғдуси эмасми?! Шубҳасиз, шундай!

— Табриклайман! — деди Ўнгбоев ёрдамчиларига юзланиб. Улар:

— Сизни ҳам, профессор, — дейишди мамнун бўлишиб.

Жарроҳлик касбини санъатга айлантирган Тоштемир Эшонқулович ана шундай мураккаб операцияларнинг «кўча»сидан кўп марта ўтган, хуш ва ноҳушликлар ҳам бўлган. Лекин ўз касбига бўлган меҳр-садоқати янги довонларни дадил ошиб ўтиш сари руҳлантираверган.



● Илмгоҳ директори Т. Ўнгбоев.

У устози Насриддин Шоматовнинг:

— Травматология ва ортопедия чидам ва жасорат талаб қиладиган, инсон ҳаёти учун ҳар дақиқада охирги куч ва имкониятни ишга солиб курашадиган соҳалардан бири, бунинг учун врач ўз касбини севиши керак. Жарроҳ хато қилиши мумкин эмас, у ҳамиша Гиппократ қасамига содиқ бўлиши шарт. — деган, қимматли ўгитларига кундалик фаолиятда амал қилишга интилади.

Биз ўз репортажимизни Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятларида ягона Тошкент травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот илмгоҳи клиникаси операция хонасидан бошлашимизнинг боиси бор. Тиббиётда жарроҳлик, умуман, операция беморни яшашга қайтаришнинг сўнгги нуқтаси. Бу шундай бир масъулиятли остонаки, уни иборали қилиб айтганда, умрнинг чегараси, ҳаёт-мамот нуқтаси деб аташ мумкин. Буни тўғри ҳис этган нажоткорлар шу умр чегарасида ҳақиқий посбонлик қилишга, ундан бирорта ҳам бемор бевақт ҳаётдан кўз юмиб ўтиб кетмасин, деб жон олиб-жон бермоқдалар.

Биз шу куни беш соатли мураккаб операциядан толиқиб чиққан илмгоҳ директори Т. Ўнгбоевни суҳбатга чорлашни ўзимизга эп кўрмай, клиника бўлинмаларини айланиб чиқдик.

«Жароҳатлар асорати бўлими» деб ёзилган эшикдан ким қўли гипсланган, ким ҳассада, ким қўлтиқ таёқда бирин-сирин кириб-чиқиб турибди. Бемалол, оҳиста, хотиржам юрган шифокор-у ҳамширани кўрмайсиз. Улар қаёққадир, нимагадир ошиқ-қани-ошиққан. Даҳлизда ёшгина жувон олти-етти ёшлардаги қизчаси билан жуда бетоқат. У ёқдан-бу ёққа юриб турибди. Кўзлари тўрт, ичкарига термулгани-термулган.

— Ойи, адам-ла-р қачон чиқал-ла-р? — қизи тинмай чирқиллаб турибди.

Аёл кишининг жони қирқта деганларича бор экан. Ҳаммасига бардош берди! Ҳаммасига чидади! Ҳамма-ҳаммасига қўникди-я!.. Бирор кун, бирор дақиқа умидларидан воз кечмади. Ана кетди-мана кетди, дейишганида ҳам шифокорларга ишонди. Ўзига далда берди, иродасини қўлга ола билди. Отасига минг раҳмат жарроҳларнинг, чил-чил бўлган суякларни жой-жойига қўйиб-қўйишди-я! Шу пайт аёл алланечук бўлиб кетди. Дилининг қаеридадир ғурур, фахрланиш ҳис-туйғулари жўш урди. Турмуш ўртоғининг иродасига тан берди. Кўз очиб, қулоқ эшитмаган оғир жароҳат, азоб-уқубатларни мардонавор бошидан кечирди-я: орқасидан учиб келган енгил машина уриб кетгач, шифокорлар мажақланган оёқ бир ёқда қолиб, аввал қоринни ича кетган лаҳта-лаҳта қондан тоза лашди. Чунки ўша чоғларда унинг ҳаёти қил устида турганди-да! Моҳир жарроҳ Ўктам Орипов, унинг истеъдодли шогирдлари кечаси билан ажал билан олишиб чиқишди. Тонг ёришаётганда беморни ҳаётга қайтаришди. Учинчи ҳафтасига борибгина уни Тошкентдаги 2-клиника шифохонасидан травматология ва ортопедия илмгоҳи жарроҳхонасига олиб келишди. Қаранг-а, шунга ҳам олти ойдан ошибди. Бугун эса унинг ўнг оёғидан Илизаров аппаратини ечишади.

Ҳозир эрини сабрсизлик билан интиқиб кутаётган аёл қалбида туғён ураётган ҳис-ҳаяжонларни пайқаш қийин эмасди. Жамалак сочли қизчасининг қарқаноқдек бижиллаб туриши ҳам бироз бўлса-да, унга далда берарди.

Шу пайт ичкаридан қўлтиқ таёқда ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги ўрта бўйли йигит кулимсираб чиқиб келди. Кузатиб, орқасидан врач чиқди.

— Ҳаммаси яхши, келин, ҳавотир олманг! — деди Абдуқаюм Аблоқулов. — Менинг хонамга кириб, бир оз дам олинглар.

Дастрўмоли учи билан намланган кўзларини артиб, аёл эрига термулиб боқди:

— Кўз ёши қилганинг нимаси?

— Ўзим шундай, хурсанд бўлганимдан, — деди хотини, сўнг сўради. —Оғридими?

— Чидаса бўлади!.. Неча ой кўтариб юрган аппаратдан халос бўлган йигит ўзини қушдек енгил ҳис қиларди. Энди ҳаммаси орқада. Қўлтиқ таёқни ҳам ташласа... Юраги бирдан орзиқиб кетди.

Аблоқулов мўъжазгина хонаси тўридаги стулга ўтиб ўтирар экан, кимгадир қўнғироқ қилиб бўлгач, йигитга юзланди.

— Эртага соат иккига, индинга ҳам худди шу вақтга келиб-кетарсизлар. Оёғингизни иссиқроқ тутинг, шамоллашдан эҳтиёт қилинг. Етганингизда оёғингизни баландроқ қилиб ётинг. Душанбадан қўлтиқ таёқни ташлаб, аста-секин ҳассага ўтасиз, келишдикми? Уч ойдан кейин яна келасиз, бир кўриб қўямиз. Ҳали кўрасиз, ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетасиз.

— Сизларга мингдан-минг раҳмат, дўхтир, — деди аёл қизини бағрига босганча. — Қўлларингиз асло дард кўрмасин, адажонимизни шунчалик оёққа турғазиб бердиларингиз... Кўзларига жиқ-жиқ ёш тўлган аёл бошқа гапиролмади. Йигит ҳам: «Раҳмат, раҳмат!» дерди-ю, қувонч ва ҳаяжонидан ортиқча сўз айтолмасди.

— Биз шифокорлик бурчимизни адо этдик, холос, — деди Аблоқулов. Улар самимий ҳайрлашиб, хонадан мамнун бўлиб чиқиб кетишди.

Абдуқаюм акани қўли енгил моҳир жарроҳ-шифокор сифатида кўп эшитганмиз. Илмгоҳ клиникасида йигирма йил ишлаш мобайнида икки мингта ҳар хил операцияларни ўтказди. У Харьковда маймоқ касалликларини эрта операция қилиш, Киевда эса шол хасталикларини хирургик йўл билан даволаш мавзуларида аввал фан номзодлиги, сўнг докторлик диссертацияларини ёқлади.

Аблоқулов Ўзбекистонда биринчи бўлиб оёқларни чўзадиган, қийшиқларини тўғрилайдиган янги аппарат ишлаб чиқди. У жуда қулай. Жароҳат асоратларини бир маҳалнинг ўзида тўғрилайди. Бироқ шу аппаратни оммавий равишда ишлаб чиқариш муаммоси ҳал бўлмай турибди. Қани энди вазирлик озгина жон куйдирса, мутасадди ташкилотлар бош қўшишса. «Ташсельмаш», самолётсозлик сингари корхоналар ҳиммат қилишса, иш олға босиб кетган бўлармиди. Қўлтиқ таёқли ногиронларга кимларнингдир раҳми келиши керак-ку, ахир?! Қани энди: «Керак!» дегувчи бирорта мард топила қолса-ю, шу ишга бош қўйса...

Даволаш муассасасининг бундан бошқа ҳам кимга айтишини билолмай юрган бошқа «дард»лари ҳам йўқ эмас. Кимки, бош корпусга кирган бўлса, кўрган: бинотор ва сифатсиз қурилган. Консультация поликлиникасига бир бош суқиб кўринг-а; қурилиши аччиқ ичакдай чўзилгандан чўзилиб ётибди. Нимаси кўп, баҳонаси кўп. Кейинги пайтда бу қурилиш шаҳар бош меъморчилик ва қурилиш бошқармасидаги баъзиларнинг тушига ҳам кириб чиққани йўқ. Шифокорлар авария ҳолатидаги мослашган хонага жонларини ҳовучлаб кириб-чиқишади. Юзлаб беморлар ҳар куни бу ерга келиб-кетаётгани билан бошқармадагиларнинг неча пуллик иши бор.

Ўз экспериментал хирургияси, реабилитация базасига эга бўлмаган бундай илмгоҳ ва даволаш масканининг эртанги куни ҳақида

2.

директори Т. Ўнгбоевнинг таъкидлашича, бундай нуқсон ва камчиликлар аҳолига замонавий тиббий ёрдамни ташкил этишга салбий таъсир этмай қолмайди, албатта.

Қийинчиликларга қарамай илмгоҳда учта илмий йўналишда — пахтачиликдаги шикастланишлар, уларнинг профилакторийси ва ихтисослашган тиббий ёрдамни уюштириш; якка ва кўпчилик аралаш жароҳатлар рўй берганида даволаш тизимларини ишлаб чиқиш; патологик яъни ҳаёт мобайнида келиб чиққан ва туғма ортопедик касалликларни хирургик йўл билан даволаш юзасидан тадқиқотлар, изланишлар олиб борилаётир.

...Шарқ мақолларидан бирида: «Сув ичсанг, қудуқ қазиганни унутма», — дейилади. Шундай экан, соғлиқ ато этган оқ халатли нажоткорларни, меҳр ва шафқатни, умид ва ишончни сирасира унутиб бўладими ахир?! Йўқ асло!

Биз эртаси куни илмгоҳ директори қабулхонасида Сурхондарёнинг олис қишлоғидан келган мўйсафид, унинг ўғли билан суҳбатлашиб қолдик.

— Шифокорларга раҳматимизни айтмасак, инсофдан бўлмас, — дейди отахон. — Худога шукур, ўғлим отдай бўлиб кетди.

Отахон бир зум оғир ўйга толди. Пешонасидаги ажинлар қуюқлашди. Лаблари пир-пир уча бошлади. Ўн саккиз-йигирма ёшлардаги ўғли эса бошини қуйи солганча, кўзларини ердан узмай ўтирарди.

— Баъзи ота-оналарга ҳайрон бўласан киши, — Чолнинг тимқора кўзлари чақнаб кетди. — Ҳали балоғат ёшига етмаган фарзандига машина калитини тутқазиб қўйиб, нима қилишаркин. Боласининг қўлида ҳайдашга на ҳужжати бор, на бошқа бирорта қоғози. Шу жиноятга отаонаси ҳам шерик. Менимча, уларни ҳам жавобгарликка тортиш керак. Ана шундагина ҳар хил бахтсиз ҳодисалар, авариялар бироз бўлса-да камайган бўлармиди.

Отахон мулоҳазаларида жон бор. Аввало, босар-тусарини билмай, машинасини учириб ҳайдаб юрган арзандалар қанчадан-қанча дерсиз. Уларга: «Ҳой, кўзингга қараб ҳайда, тагин битта-яримтани туртиб юборма», деб кўрингчи, эшитадиганингизни эшитасиз. Баъзи ота-оналар эса, ҳали оғзингиздан чиқмай ёқангизга ёпиштиради. Қачонки, бирор кор-ҳол юз берганда-гина уларнинг кўзлари очилади. Унда кеч бўлади. Бу шифохонада ётганлар орасида машина уриб кетганлар оз эмас. Кимдир тузалиб кетяпти, кимдир бир умрга майиб-мажруҳ бўлиб қолаётир. Бу ерга ҳар куни илтижо билан келиб-кетаётганларга қараб турибсиз, киши ўйлаб қоласан: «Жароҳат олганлар наҳотки шунчалар кўп бўлса-я?!».

Лекин шифо масканидан қўлтиқ таёғини ташлаб, ўз оёғи билан юриб чиқиб кетаётганларни кўрганингизда, албатта, юрагингиз бир ҳафриқиб тушади. Кўзингиз қувнаб, дилингиз яйраб кетади. Шунча чеккан изтироб, азоблари ортда қолганлиги рост бўлсин, дея бутун оламга жар солгингиз келади.

Миршароф МУҲСИМОВ.

3.

ким қайғуриши керак? Институт раҳбарларининг сайъи-ҳаракати вазирлик томонидан қўллаб-қувватлансагина бирор самара бериши мумкин.

Кўп йиллардан буён ўз ечимини тополмай келинаётган яна бир муҳим масала бор. Жумҳурият халқ таълими ихтиёридан ўн битта сколиоз-умуртқа поғонасининг туғма қийшайиши касаллигини даволайдиган мактаб-интернат ҳалигача Соғлиқни сақлаш вазирлиги қарамоғига ўтказилмаган.

Институт раҳбарларининг ҳасратидан чанг чиқади. Қарангки, жумҳурият ҳудудида жароҳатлар ва ортопедик операциялар қилишда қўлланиладиган ёки муомалада бўлган табиий асбоб-ускуналарни таъмирлайдиган на корхона, на дуруст-роқ ташкилот бор. Илмгоҳ

● Жароҳатлар асорати бўлимида: (чапдан ўнгга) бўлим мудири С. Марукян, ТошМИнинг кечки бўлими 3-курс талабаси, ҳамшира Д. Жўраева, ҳамшира Л. Коновалова ва катта илмий ходим А. Аблоқулов бемор билан суҳбатлашмоқдалар.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

Б М Т: ҳозирги дунё

Ўзбекистон ва жаҳон

● **Бундан қирқ олти йил муқаддам Низоми тасдиқланган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзолари 166 нафарга етди.**

Ўтган давр ичида юз берган жуда катта ўзгаришлар инсоният олдига улкан вазифалар қўйди. Ана шу вазифалар таъсирида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўзи ҳам йил сайин ўзгариб борди. Лекин унинг келажак авлодни уруш ҳалокатидан қутқариш, жаҳон ҳамжамиятида инсон ҳуқуқлари асосларини қарор топдириш, адолатни таъминлаш ва халқаро ҳуқуққа ҳурмат, шунингдек, ижтимоий тараққиётга ва барчанинг турмуш шароитини яхшилашга кўмаклашишдан иборат олий мақсади ўзгармади. Ўтган йиллар ичида БМТ инсоният равнақига улкан таъсир кўрсатадиган катта ютуқларга эришди. Бироқ, у бажарадиган олижаноб ишлар жуда кўп. Зеро, бутун инсониятнинг орзу-умидлари кўзгуда акс этганидек БМТ фаолиятида акс этмоқда. Шу важдан ҳам бу ташкилот халқаро муносабатларда жуда катта обрў-эътибор қозонди.

БМТ нақадар олижаноб мақсадларга ва юксак ваколатларга эга эканлигини такрорлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Фақат шуни таъкидлаш жоизки, унга аъзо энг буюк давлат — 1,1 миллиард аҳолиси бўлган Хитой Халқ Республикаси ва энг кичик давлат — 47 минг кишилик Сент—Китс ва Невис ҳам биргина овозга эга давлатлардир. БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши жаҳоннинг жорий муаммолари билан шуғулланади ва шу муаммолар юзасидан қарорлар қабул қилади. У қабул қиладиган ҳар қандай қарор Хавфсизлик Кенгашининг беш доимий аъзоси — АҚШ, СССР, Буюк Британия, Франция ва Хитойдан бирортаси қарши овоз берса ўтмайдиган қоидага амал қилади. Турлича сиёсий қарашларга ва тузумларга мансуб бўлган катта ва кичик, бой ва камбағал бўлишидан, сиёсий эътиқоди ва тузумидан қатъи назар дунёдаги барча мамлакат вакиллари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча комитет ва комиссияларида, унинг сессия ва мажлисларида иштирок этиш ва шу халқаро ташкилотнинг сиёсатини шакллантиришда ўз фикрини билдириш ҳуқуқига эгадир.

БМТнинг кўп қиррали фаолиятида адолат ҳамда шахслар ва халқлар учун тенг ҳуқуқлиликни таъминлашга интилиш ажралиб туради. БМТнинг Бош Ассамблеяси 1948 йилнинг 10 декабрида инсон ҳуқуқлари декларациясини қабул қилди. Бу ҳуқуқлар мажмуаси дунёдаги барча кишилар учун яшаш ва фаолият кўрсатиш эркинликларини таъминлашга қаратилгандир. БМТ инсон ҳуқуқлари декларацияси қоидаларига амал қилиб, ўз озодлиги, мустақиллиги ва суверенитети учун курашган халқлар ҳаётида мустамлака тузумидан қутилишида катта роль ўйнади. 1960 йилда Бош Ассамблея мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш ҳақида декларация қабул қилди ва ер юзидаги кўплаб мамлакатларга мустақилликка эришувида кўмаклашди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қуролсизланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ривожланаётган мамлакатларда турмуш даражасини ошириш, болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, жиноятга қарши курашиш соҳасида ҳам катта фаолият кўрсатмоқда. БМТ кўмагида дунёнинг турли жойларидаги низоларни тўхтатишга муваффақ бўлинди. Бундай муаммолар дунёнинг жуда кўп минтақаларида, шу жумладан, бизнинг мамлакатимизда ҳам мавжуддир. БМТ воситачилигида Ироқ ва Эронда, Ҳиндистон ва Покистонда, Кипр ва Заирда, Замбия ва Анголада узоқ давом этган қонли тўқнашувларга чек қўйилди. Ер юзида тинчликни таъминлаш учун БМТ қўшинларида 58 мамлакатдан 500 мингга яқин ҳарбий хизматчи қатнашмоқда.

БМТнинг бу олижаноб фаолиятига халқаро жамоат ташкилотлари, биринчи навбатда БМТга кўмаклашувчи уюшмаларнинг жаҳон ассоциацияси катта ёрдам кўрсатмоқда. Бундай уюшмалар жаҳоннинг 73 мамлакатида фаолият кўрсатмоқда. 1990 йилда шундай уюшма Ўзбекистонда ҳам ташкил этилди. Ҳозирча бу уюшма бошланғич даврни бошидан кечирмоқда. Тинчлик жамғармаси сингари ташкилотлар БМТга кўмаклашувчи ассоциация учун яхши имкониятлар яратишга кўмаклашади, деган умиддамиз.

Ўзбекистон мустақил республика деб эълон қилинди. Бу эса унинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кириши учун йўл очди. Табиийки, бу йўлда кўплаб мураккаб муаммолар, ечилиши қийин бўлган вазифалар мавжуд. Бу муаммоларни республика халқларининг биргаликдаги куч-ғайратлари билангина ҳал этиши мумкин. Миллатлар ҳамжамияти бизнинг БМТ доирасида халқаро муаммоларни ҳал этишга ўз ҳиссамизни қўшишга ва шу ташкилотнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлишга самимий интилишимизни тушуниш билан қабул қилади, деб ўйлаймиз. Биз БМТ ишини диққат билан ўрганиб, республикамизда ҳам шундай тизимлар бунёд этиш ниятидамиз. Токи, бу тизимлар БМТнинг бизнинг суверен ҳуқуқларимизни тезроқ тан олишишига кўмаклашади, деган умиддамиз.

Г. А. ҲИДОЯТОВ,
профессор, БМТга кўмаклашувчи Ўзбекистон ассоциациясининг раиси.

КАСБКОРЛИК СИНФЛАРИ

● **Бу йил Қаршн шаҳридаги Қ. Улжабоев номли 25-ўрта мактабда касбга йўналтирилган махсус синфлар иш бошлади.**

10 ва 11-синфларда икки йил давомида ихтисосликни ўргатадиган махсус бўлимларда ўқувчилар педагогик, шифокорлик ва сотувчилик касбини эгаллайдилар. — Касбга йўналтирилган синфлар очганимизга уч йил бўляпти, — дейди мактаб директори Т. Ҳайдаров. — Шу пайтгача педагогик синфлар фаолият кўрсатарди. Уни битирган 16 нафар йигит ва қиз бу йил Қарши давлат педагогика олийгоҳига суҳбат билан ўқишга кирди. Қарши медицина билим юрти билан келишиб шифокорлик синфини ҳам очдик.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЧЎЛ ДУРДОНАСИ

● ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИ ДАВЛАТ ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИГА 325 МИНГ ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ТОПШИРДИЛАР.

● АНА ШУ ҲОСИЛНИНГ 93 ФОИЗГА ЯҚИНИ МАШИНАЛАР ЁРДАМИДА ТЕРИБ ОЛИНДИ.

● ВИЛОЯТ ДЕҲҚОНЛАРИ РЕЖАДАН ТАШҚАРИ ЯНА 25 МИНГ ТОННА ПАХТА ТОПШИРИШ МАЖБУРИЯТИНИ ОЛДИЛАР.

Йил бошида пахтачиликда шунчалик муваффақиятга эришамиз, деб ўйламагандик. Май, июнь ойларидаги жала ва дўл туфайли 24 минг гектар майдондаги ғўзани икки-уч мартадан бузиб экиш, кечикиб экилган майдонлардан режадаги ҳосилни олишнинг ўзи бўладими? Шукроналар бўлсинким, қўриқ воҳамиз деҳқонлари тадбиркорлик ва омилкорлик кўрсатишиб, мўл ҳосил етиштиришга, энг муҳими, ғўзани машинабоп қилиб ўстиришга муваффақ бўлдилар. Бу эса бизнинг ишчи кучи кам бўлган чўл шароитида жуда муҳим эди.

Пахта йиғим-терими бошланиши арафасидаёқ халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва касаба уюшмалари вилоят кенгаши механик-ҳайдовчиларга, пахта ташувчиларга, барча меҳнаткашларга мурожаат этиб, терим суръатини ошириш учун тадбиркорлик кўрсатишга даъват этдилар. Вилоят кенгаши қошидаги пахта штаби кундалик муаммоларнинг вақтида ҳал этилишида хўжаликларга, ширкатларга ҳар томонлама ёрдам бериб турди. Савдо, тиббий, маданий-маиший хизмат далага кўчирилди.

Оммавий терим бошланганининг биринчи ҳафталаридаёқ ўнлаб звено ва бригадаларнинг йиллик режани уддаларганликлари тўғрисидаги хушхабарлар кела бошлади. Дўстлик райони пахтакорлари жумҳуриятда биринчилардан бўлиб ғалаба маррасини эгалладилар. Бугунгача район пахтакорларининг уйган хирмони 63 минг тоннадан ошиб кетди. Вилоятнинг 325 минг тонналик «оқ олтин» хирмонига Мирзачўл райони 50 минг тоннага яқин, Арнасой—49 минг тонна, Пахтакор райони—42 минг тоннадан зиёд улуш қўшдилар. Бугун-эрта Октябрь ва Зомин районлари ҳам йиллик режани бажарадилар. Табиий офатдан энг кўп зарар кўрган Зарбдор, Жиззах районлари деҳқонлари эса марра сари дадил интилишаётир.

Дўстлик районидаги Қосим Раҳимов номли, Ленин номли, Мирзачўл районидаги Абай номли, Сегизбоев номли, «Ўзбекистон», Арнасой районидаги Фучик номли, Тимошенко номли, Пахтакор районидаги Кичанов номли, «Пахтакор», «Самарқанд» давлат хўжаликлари ғалабага муносиб улуш қўшишди.

Маълумки, бу йил хўжаликларимиз ҳашарчилар хизматидан воз кечдилар. Ҳисоб-китобларга қараганда ҳар йили уларга камида 16—18 миллион сўм харажат қилинар экан. Демак, бу йил шунча маблағ иқтисод қилинди. 50—60 минг нафар талабанинг вазифасини эса механизаторларимиз бажардилар. Мавсум давомида 3200 дан зиёд машина унум билан ишлатилиб, ялпи ҳосилнинг 93 фойзга яқини машиналар ёрдамида териб олинди. Вилоят бўйича ҳар бир машина ҳисобига 94 тоннадан зиёд «оқ олтин» териб олинди. Дўстлик районидан Б. Эсиргапов, И. Рўзиев, Э. Абдуллаев, Мирзачўлдан Ш. Холмуродов, Э. Юнусов, К. Омонқулов, Арнасойдан И. Зулпонов, К. Ортиқов, Пахтакор районидан О. Дастуров, Н. Ёқубов каби кўплаб механизаторлар 200 тоннадан ошириб пахта тердилар. Жумҳурият Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан машинада терилган пахтанинг ҳар тоннасига 25 сўмдан, қўлда терилган ҳосилнинг ҳар бир килограммига 40 тийиндан тўланганги терим суръатига ижобий таъсир этди. Пахта харид нархининг 50 фоиз оширилганлигидан хўжаликларимиз 250 миллион сўм даромад оладиган бўлдилар.

Бу йил режалаштирилган пахтанинг 5 фоизи ва ортиқча йиғиштириб олинган маҳсулотнинг барчаси ўзимизда қоладиган бўлди. Шу боис етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини териб олиб, иқтисодиётни бир қадар тиклаш деҳқонларимизнинг аҳду-паймонлари. Режадагидан ташқари 25 минг тонна «оқ олтин» тайёрлашни мўлжаллаб турибмиз.

Жумҳуриятимизнинг мустақил деб эълон қилиниши деҳқон ва чорвадорларимиз, механизатору-мутахассисларимиз зиммасига юксак масъулият юклади. Дала ва фермаларда бўлиб, меҳнаткашлар билан суҳбатлашсангиз, улар мустақилликни фақат самарали, сидқидил меҳнат билангина сақлаб қолиш мумкинлигини таъкидламоқдалар. Бу қувончлидир. Зеро, мустақилликнинг тўла тантанаси учун ҳали кўп ишлар қилишимиз керак бўлади.

Рўзғори бут, дастурхони тўкин кишигина унумли, сифатли меҳнат қилиши мумкин. Биз келгусида вилоятимиз аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан етарли таъминлаш чораларини кўряпмиз.

Э. ТУРСУНОВ,
халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг раиси.

● Дўстлик районидаги Ленин номли давлат хўжалигида бу йил тўрт минг гектар майдонда мўл ҳосил етиштирилди. Хўжалик ҳар гектар майдондан 25 центнердан зиёд ҳосил кўтарди. Қабул пунктларига 10 минг 600 тонна сифатли хом ашё етказиб берилди. Ҳосилнинг ҳаммаси машиналар ёрдамида йиғиштириб олинди.

СУРАТЛАРДА: 1. Моҳир механизатор Ойбек Худойбердиев. 2. Давлат хўжалиги директори Раҳим Есенқулов ишчилар билан навбатдаги режалар ҳақида суҳбатлашмоқда. 3. «Оқ олтин» хирмонида.

У. ҚУШВОҚОВ олган суратлар.

ҲОСИЛ ВА МАНФААТДОРЛИК

МУНОСИБ УЛУШ

Район бўйича оммавий теримга бир ҳафта кеч тушилди. Хўжалигимизда эса бу муддат янада чўзилди. Сабаби, биз кўсакларнинг кўпроқ очилишини, ғўза баргининг тўлиқ тўкилишини кутдик. Ўша ҳафта мобайнида район аҳолисидан, қўшниларимиздан бироз таъналар эшитган, кезларимиз бўлди. Аммо механизаторларимиз вақтни беҳуда ўтказишмади. Далаларни теримга тайёрлаб, мавжуд машиналарнинг ҳолатини яна бир бор кўздан кечириб чиқдилар. Етарли миқдорда ёнилғи-мойлаш материаллари келтирилди.

Пухта ҳозирлик туфайли теримнинг дастлабки кунларидаёқ йиллик режанинг 7 фоизи миқдорида пахта бера бошладик. Етти кун мобайнида салкам 5 минг тонна «оқ олтин» йиғиштириб олганлигимиз механизаторларнинг унумли, сифатли ишлаганини кўрсатади. Комил Жўлтоев, Нуриддин Муҳаммадиев, Ҳаким Бобоқулов, Вали Олтибоевларнинг ҳар бири 180—200 тоннадан пахта тердилар. Қувончлиси шундаки, биринчи теримдан кейинроқ ҳосилдорлик 28,2 центнерни ташкил этди. Йиллик режа бажарилди. Ҳозиргача уйган хирмонимиз салмоғи эса 10,5 минг тоннага етди.

Далаларимизда механизаторлар хом ашёнинг қолганқутган қисмини ҳам териб олиш, районимизнинг 4 минг тоннаник мажбуриятига муносиб улуш қўшиш иштиёқида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Ўз навбатида ҳосили йиғиштириб олинган майдонларни шудгорлаш, кузги экинлар экиш тадбирларига пухта ҳозирлик кўряпмиз.

М. СУВОНҚУЛОВ,
Пахтакор районидаги Кичанов номли давлат хўжалиги директори.

Оилавий звено намунаси

Акам Ёмон Абдуллаев звеносида ишлайман. У вилоятда танилган пахтакорлардан. Йил бошида 80 гектар майдонга чигит экиб, ғўзани меҳр билан ёз бўйи парваришладик. Ҳосил ёмон бўлмади. Районда биринчилардан бўлиб теримга тушдик. Дастлабки теримдаёқ укам Нуриддин билан 121 тонна пахта теришга муваффақ бўлдик. Звеномиз режаси сакиз иш кунида бажарилди. Маҳсулотимизнинг барчаси биринчи навга қабул қилинди. Иккинчи теримдан сўнг уйган хирмонимиз 242 тоннадан ошиб кетди. Бу—йиллик режа 120 фоизданга етди, деган гап.

Бу йил деҳқонлар ҳиммати-га, хусусан, пахта терувчилар меҳнатига алоҳида эътибор берилаётгани биз, дала меҳнаткашларини қувонтиради. Шу боис механизаторлар иложи борича нўпроқ ҳосилни йиғиштириб олишга интиляпти. Звеномиз ҳосилни териб олгач, қўшни жамоаларга ёрдам берди. Ҳозиргача ҳамкасбларимнинг ҳар бири 180—200 тоннадан пахта териб улгурди.

Э. АБДУЛЛАЕВ,
Дўстлик районидаги Ленин номли давлат хўжалигининг механизатори.

Тўққиз йилдан сўнг

Арнасойлик пахтакорлар мажбуриятларини ҳам бажардилар

— Илгари йўл қўйилган камчиликларни пухта ўрганиш, дала ишларини асосан механизация зиммасига юклаш, ғўзани машинабоп қилиб ўстиришга эришиш муваффақиятимизнинг бош омили бўлди, — дейишмоқда Арнасой райони меҳнаткашлари бугунги ғалаба ҳақида гапиришаркан.

Йиғим-терим мавсуми тақдирини машиналар ҳал қилди. Хўжаликлардаги 500 дан зиёд пахта териш машиналари пухта таъмирланди. Натижада мавсум давомида ҳар куни уларнинг камида 470—490 таси теримда иштирок этди. Бу на фақат вилоятдаги, балки жумҳуриятдаги энг яхши кўрсаткичлардандир. Натижада қисқа фурсатда машиналар билан ялпи ҳосилнинг 98 фоизи терилди.

Районнинг улкан хирмонини яратишда машина терими режасини қисқа вақтда бажарган Ю. Фучик номли, Тимошенко номли, Б. Файзиев номли, Рокоссовский номли, Жуков номли давлат хўжаликларининг ҳиссаси катта бўлди. Мазкур хўжаликларда режадаги ҳосилнинг деярли барчаси «зангори кема»лар билан териб олинди.

Ф. Шомуродов, А. Саидқулов, Э. Қўшмуродов, Т. Мамасолиев, Ҳ. Умрқулов бошлиқ ширкатлар ҳосилдорликни режадагидан 5—7 центнердан оширишга муваффақ бўлдилар. Ҳар гектар майдондан 35—40 центнердан ҳосил етиштирган Б. Бурхонов, М. Оролов, Ҳ. Болибеков, Ш. Эрматов, Б. Раҳимов каби звено бошлиқлари қўриқ ернинг нималарга қодирлигини намойиш этдилар.

Мақсадга эришилган бўлса-да, ҳали далалардан 50—60 тоннадан ҳосил йиғиштириб оламиз, деб ғайрат кўрсатаётган ширкатлар талайгина. Ҳозиргача 200—250 тоннадан пахта териб улгурган Ш. Шомуродов, И. Зулпонов, М. Қаршиев, С. Носиров каби ўнлаб механизаторлар шу кунларда ҳам машиналарни тўхтатишмаяпти. Арнасойнинг ғолиб пахтакорлари Мирзачўл ва Жиззах чўллари ўзлаштирила бошланганлигининг 35 йиллиги нишонланаётган кунларда вилоятнинг улкан хирмонига қўшган ҳиссалари салмоғини янада ошириш иштиёқида самарали меҳнат қилмоқдалар.

Б. САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФУҚАРОЛАРНИ ИСТИҚОМАТ ЖОЙИДА РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

МОСКВА, 21 октябрь, (ТАСС). СССР Конституциявий назорат комитетининг 11 октябрдаги «Фуқароларни истиқомат жойда рўйхатга олишнинг рухсат талаб қиладиган тартиби тўғрисида»ги хулосаси оммавий ахборот воситаларида қисқартириб, бир қанча ҳолларда нотўғри баён қилинганлиги муносабати билан, комитетнинг илтимосига биноан шу хулосанинг тўла матнини эълон қиламиз.

СССР КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТ КОМИТЕТИНИНГ ХУЛОСАСИ

ФУҚАРОЛАРНИ ИСТИҚОМАТ ЖОЙДА РЎЙХАТГА ОЛИШНИНГ РУХСАТ ТАЛАБ ҚИЛАДИГАН ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

СССР халқ депутатлари инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари декларациясини қабул қилиши муносабати билан СССР Конституциявий назорат комитети ўз ташаббуси билан истиқомат жойларда рўйхатга олиш масалаларига доир қонунлар тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни қайтадан бошлади ва қуйидагиларни аниқлади.

СССР Конституциявий назорат комитетининг 1990 йил 26 октябрдаги 11 (2—1) сонли хулосаси билан фуқароларни истиқомат жойда рўйхатга олиш тўғрисидаги Низом уларнинг эркин кўчиб юриш ва истиқомат жойни эркин танлаш ҳуқуқини чеклаб қўйиши тан олинди ва бу ҳол истиқомат жойда рўйхатга олишнинг рухсат талаб қиладиган тартибини рўйхатга олиш билан алмаштириш мақсадида қонунларни қайта кўриб чиқиш йўли билан бартараф этилиши лозим.

Мазкур хулоса қабул қилингандан сўнг фуқароларни истиқомат қиладиган жойда рўйхатга олишнинг рухсат талаб қиладиган тартиби тўғрисидаги Низомни бекор қилиш ёки ўзгартириш юзасидан зарур чоралар кўрилмади.

Ҳозир ҳам амал қилиб турган СССРда паспорт системаси тўғрисидаги Низомда баён қилинган рўйхатга олиш ҳақидаги қоидалар (низом СССР Вазирлар Кенгашининг 1974 йил 28 августдаги 677-сонли қарори билан тасдиқланган), СССР Вазирлар Кенгашининг «Фуқароларни рўйхатга олишнинг айрим қоидалари тўғрисида»ги 1974 йил 28 августдаги 678-сонли қарори, Москва шаҳрида аҳолини рўйхатга олиш ва рўйхатдан чиқариш тўғрисидаги Низом (СССР Вазирлар Кенгашининг 1964 йил 25 июндаги 585-сонли қарори билан тасдиқланган), СССР Вазирлар Кенгашининг фуқароларни Ленинградда, Киевдан ва бошқа жойларда рўйхатга олишни чеклаш ҳақидаги қарорлари, шунингдек СССР ҳукуматининг қарорлари асосида чиқарилган маҳкама ҳужжатлари ва ҳокимият ва бошқарув маҳаллий идораларининг ҳужжатлари ҳар бир фуқаро зиммасига яшаш учун ўзи танлаган жойда истиқомат қилиш ёки туриш учун маъмурий идоралардан рухсат олиш вазифасини юклайди, шу билан мамлакат ичкарисида фуқароларнинг кўчиб юриши устидан ялпи маъмурий назорат ўрнатишни кўзда тутади ҳамда тегишли қоидаларни бажармаганлик учун жавобгарликни белгилаб қўяди. Бунда фуқаронинг истиқомат жойда рўйхатга олишга рухсат олиш имконияти турли-туман шарт-шароитларнинг мавжудлигига ва рўйхатга олувчи маъмурий органларнинг ихтиёрига боғлиқ қилиб қўйилган.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари декларацияси қабул қилиниши ва кучга киритилиши билан СССР Вазирлар Кенгашининг мамлакатнинг бутун ҳудудида истиқомат жойда рўйхатга олишнинг рухсат талаб қиладиган тизимини кўзда тутадиган қарорларини ҳамда қонунлар билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни кучда қолдириш учун ҳуқуқий асос қолмади.

Декларациянинг 21-моддаси ҳар бир инсоннинг мамлакат ичкарисида эркин кўчиб юриши, истиқомат жойни ва туриш жойни эркин танлаб олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайди.

Декларация, худди шунингдек халқаро ҳуқуқий битим (инсон ҳуқуқлари умумий декларациясининг 13-моддаси ҳамда гражданлик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро битимнинг 12-моддаси) мазкур ҳуқуқ ҳукумат ва маҳкамалар белгилаган тартиблар билан чекланишига йўл қўймайди. Бундан ташқари мамлакатнинг бутун ҳудудида ҳамма фуқоралар учун қонун билан боғлиқ ҳужжатлар қабул қилиш йўли билан ҳаракат қилиш эркинлигини чеклаб қўйиш учун ҳуқуқий асос йўқ.

Мазкур халқаро битимга мувофиқ ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги декларациянинг моҳиятига кўра мамлакат ичкарисида кўчиб юриш эркинлигини чеклаш фақат қонунда ва фақат давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳолининг саломатлиги ёки ахлоқини ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш учун зарур бўлгандагина кўзда тутилади.

Истиқомат жойда рўйхатга олишнинг рухсат талаб қиладиган тизими фуқароларнинг эркин кўчиб юришини асоссиз равишда чеклаб, фуқаролар бошқа ҳуқуқлар ва эркинликларини амалга оширишларига ҳам тўсқинлик қилади.

Фуқароларнинг ишга жойлашиши истиқомат жойда рўйхатдан ўтишига боғлиқ қилиб қўйилди. Бундай рўйхатдан ўтмай яшаётган фуқароларни ишга қабул қилганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгар бўлиши белгилаб қўйилган. (СССРда паспорт тизими тўғрисидаги Низомнинг 36-банди). СССР Вазирлар Кенгашининг 1964 йил 25 июндаги 585-сонли қарорининг 2-бандида Москва шаҳрида бошқа жойларда яшаётган фуқароларни ишга қабул қилиш тўғридан-тўғри тақиқлаб қўйилган. Ана шу ва бошқа шунга ўхшаш қарорлар СССР Конституциясининг фуқароларнинг касб, машғулот тури ва ишни танлаш ҳуқуқини белгилаб қўйган 40-моддасига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари декларациясининг ҳар бир кишининг ишни эркин танлаб олиш ва ишдан воз кечиш ҳуқуқини эълон қилган 23-моддасига, аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида ССР Иттифоқи ва республикалар қонун асосларининг 5-моддасига ҳамда республикалар қонунларининг машғулот ва иш турини эркин танлаб олишни мустаҳкамлаб қўйган худди шундай қоидаларга зиддир.

Истиқомат жойда рўйхатдан ўтиш тўғрисидаги қоидалар фуқаролларнинг ўз хусусий мулки бўлган бойликларга эгалик қилиш, улардан ўз ҳоҳишича фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини мустаҳкамлаб қўйган СССР Конституциясининг 11-моддаси, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари декларациясининг 24-моддаси, «СССРда мулкчилик тўғрисида»ги СССР қонунининг 7-моддаси ҳамда республикаларнинг мулкчилик тўғрисидаги қонуларининг шунга ўхшаш моддалари қоидаларига зиддир. Фуқаронинг ўзига қарашли уй-жой ва квартирани, боғ ҳовлиси, гаражини сотиши, совға қилиши, уларни ижарага бериши, улар билан боғлиқ бошқа битимлар тузиши ҳозирги пайтда жуда кўп жойларда харид қилиб олувчи ёки ижарага олувчининг мазкур манзилгоҳда истиқомат қилиш учун рўйхатдан ўтишга ҳуқуқи бор ёки йўқлигига боғлиқ қилиб қўйилган. Истиқомат жойида рўйхатга олиш тўғрисидаги қоидалар уй-жой бозорини ривожлантиришга асоссиз равишда тўсқинлик қилиб, эркин ишбилармонликка, пулнинг, моллар ва хизматларнинг эркин силжишига ҳам ғов бўлмоқда. Туриш жойини ва истиқомат жойини танлаб олишга маъмурий тўсқинлик қилаётган истиқомат жойида рўйхатга олишнинг рухсат талаб қиладиган тизими фуқароларнинг жамоат ташкилотларига эркин бирлашиш, қулай атроф муҳитдан фойдаланиш, таълим олиш, саломатлигини муҳофаза қилиш ва дам олиш ҳуқуқига бевосита дахл қилмоқда.

Фуқароларни истиқомат жойида рўйхатга олиш ва ҳисобга олиб бориш, шунингдек уларнинг доимий ёки вақтинча яшаётганлигини уларнинг мазкур жойда туриши, яшаши, ишлаши, ўқиши ва дам олишига маъмурий идоралардан рухсат олмаган ҳолда тасдиқлаш шартлари ва тартиби белгилаб қўйилишининг ўзи кўчиб юриш, яшаш ва истиқомат жойини танлаш эркинлиги ҳуқуқини чеклаш эмаслигини эътиборга олиб;

Чегара районларида, мудофаа иншоотлари бор жойларда ҳамда давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳолининг сиҳат-саломатлиги ва ахлоқини ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш зарур бўлган бошқа ҳолларда кўчиб келиш, яшаш ва кўчиб кетиш учун рухсат олиш тизимини ўрнатилиши мумкинлигини ҳисобга олиб;

Кўчиб юриш эркинлигини асосли равишда чеклашни жорий этиш масалалари давлат ҳокимияти олий ваколатли органлари томонидан қабул қилинган қонунлардагина ҳал этилиши лозимлигини, бундай қонунлар учун шу қонунлар билан боғлиқ ҳужжатларда истиқомат жойида рўйхатга олишнинг рухсат талаб қиладиган тизими тўғрисидаги низомларнинг жорий этилиши шарт эмаслигини эътиборга олиб;

СССР Конституциясининг 124-моддасига ва «СССРда Конституциявий назорат тўғрисида»ги СССР қонунининг 21—23 моддаларига амал қилиб, СССР Конституциявий назорат комитети қуйидаги хулосага келди:

1. Рўйхатга олиш тўғрисидаги Низом (СССР Вазирлар Кенгашининг «Москва шаҳрида аҳолини рўйхатга олиш ва рўйхатдан чиқариш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 1964 йил 25 июндаги 585-сонли қарори; СССР Вазирлар Кенгашининг 1964 йил 25 июндаги 585-сонли қарори билан тасдиқланган Москва шаҳрида аҳолини рўйхатга олиш ва рўйхатдан чиқариш тўғрисидаги низом; СССР Вазирлар Кенгашининг 1974 йил 28 августдаги 677-қарори билан тасдиқланган СССРда паспорт тизими тўғрисидаги Низомнинг 6, 23, 26, 34, 36-бандлари; СССР Вазирлар Кенгашининг «Фуқароларни рўйхатга олишнинг айрим қоидалари тўғрисида»ги 1974 йил 28 августдаги 678-сонли қарори; СССР Вазирлар Кенгашининг «Кавказ минерал сувлари шаҳарларида ва уларнинг атрофидаги манзилгоҳларда фуқароларни рўйхатга олишни чеклаш тўғрисида»ги 1981 йил 10 апрелдаги 351-сонли қарори; СССР Вазирлар Кенгашининг «Шимолий Осетия АССР шаҳар атрофи районида фуқароларни рўйхатга олишни чеклаш тўғрисида»ги 1982 йил 5 мартдаги 183-сонли қарори; СССР Вазирлар Кенгашининг 1985 йил 4 мартда қабул қилган «Сочи шаҳрида фуқароларни рўйхатга олишни чеклаш тўғрисида»ги 203-сонли қарори; СССР Вазирлар Кенгашининг 1985 йил 6 августда қабул қилган «Киев шаҳрида фуқароларни рўйхатга олишдаги айрим чеклашлар тўғрисида»ги 737-сонли қарори; СССР Вазирлар Кенгашининг 1987 йил 24 декабрда қабул қилган «Қрим вилояти ва Краснодар ўлкасининг айрим манзилгоҳларида фуқароларни рўйхатга олишни чеклаш тўғрисида»ги 1476-сонли қарори, шунингдек, СССР ҳукуматининг рўйхатга олиш масалалари юзасидан чиқарган бошқа қарорлари)нинг фуқаролар зиммасига истиқомат қилиш, ишга ва ўқишга жойлашиш, уй-жойларни, квартираларни, боғ ҳовлиларини, гаражларни мулк сифатида сотиб олиш учун маъмурий идоралларнинг рухсатини олиш вазифасини юклайдиган, шунингдек, бу вазифаларни бузганлик учун жавобгарликни белгилайдиган қисмлари СССР Конституциясига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари декларациясига ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро битимларга мос эмас.

2. Мазкур хулосанинг қабул қилиниши фуқароларнинг кўчиб юришини рўйхатга олиш ва ҳисоблаб бориш, уларнинг доимий ва вақтинча яшаш жойини тасдиқлаш қоидаси сифатида рўйхатга олиш қоидаларини қўлланишни, шунингдек, давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини таъминлаш, аҳолининг сиҳат-саломатлиги ва ахлоқини, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш учун зарур бўлган ҳолларда қонун билан фуқароларнинг кўчиб юриш эркинлигини чеклашни жорий этишни истисно этмайди.

3. Хулосанинг биринчи бандида кўрсатилган рўйхатга олиш тўғрисидаги Низомлар 1992 йил 1 январдан бошлаб ўз кучини йўқотади. Шунга асосланиб давлат ҳокимияти олий ваколатли органлари ана шу муддатгача фуқароларни уларнинг истиқомат жойида рўйхатга ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисида, шунингдек айрим жойларда фуқароларнинг кўчиб келиши, яшаши ва кўчиб кетишига рухсат талаб қилиш тартибини қўлланиш соҳаси ва шартлари ҳақида ҳужжатлар қабул қилади.

Мулк эгаларининг ўзларига қарашли уй-жойларга, квартираларга ва бошқа молмулкка ўз ҳоҳишича эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини чеклаб қўядиган истиқомат жойида рўйхатга олиш тўғрисидаги Низомлар, шунингдек, истиқомат жойида рўйхатдан ўтиш учун рухсат талаб қиладиган тартибни бузганлик учун фуқароларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қоидалар ушбу хулоса қабул қилинган пайтдан бошлаб ўз кучини йўқотади.

4. Прокурор назорати идоралари кўчиб юриш, истиқомат қилиш ва туриш жойини танлаш ҳуқуқи ва эркинлигини асоссиз чеклашни белгилайдиган маҳкама ҳужжатларига, ҳокимият ва бошқарув маҳаллий идораларининг ҳужжатларига, шунингдек давлат идораларининг истиқомат жойида рўйхатдан ўтиш ҳуқуқини сотиш ҳаракатларига норозилик билдириши зарур, деб ҳисобланамиз.

СССР Конституциявий назорат комитетининг раиси С. АЛЕКСЕЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЁЗИЛДИНГИЗМИ?

ПАЙСАЛГА СОЛМАЙЛИК

Қашқадарё вилоятида «Ўзбекистон овози» рўзномасига обуна қизғин давом этяпти. Рўзноманинг Қаршидаги мухбирлар пунктига шу ҳақда кўплаб хат-хабарлар келяпти, телефон қўнғироқлари бўлаётир.

— Юздан ортиқ кишини «Ўзбекистон овози» рўзномасига жамоа хўжалиги маблағидан обуна қилдик,— деди телефонда Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Қурбон Ҳақбердиев.— Улар орасида меҳнат фахрийлари, ишлаб чиқариш илғорлари, сут соғувчилар ва теримчилар бор. Обуна давом этмоқда.

— Биз рўзномаларсиз ҳаётимизни тасаввур этаолмаймиз, — дейди Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикаси директори Толибжон Орзиқулов. — Ишчиларга имтиёз яратиш мақсадида обуна учун жами 20 минг сўм маблағ ажратдик.

Қарши тикувчилик фабрикаси маъмурияти ҳам обуначиларни ижтимоий ҳимоялади. Бу ҳақда фабрика партия ташкилоти котиби Сожида Салоҳиддинованинг хабар қилишича, «Ўзбекистон овози» рўзномасига обуна бўлаётган кишилар ўз ёнидан фақат 5 сўмгина тўлайди, холос. Қолганини эса корхона кўтаради.

Рўзномамиз обунаси юзасидан биз кўпгина хўжаликлар, ташкилотлар маъмуриятти билан шартномалашдик. Кейинги кунларда Ульянов районидаги «III-Интернационал» давлат хўжалиги директори Эшқурбон Хоналиев, Қарши районидаги Акмал Икромов номли давлат хўжалиги директори Ҳамдам Каримов, Косон районидаги Ленин номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Нормўмин Соҳибов, 39-давлат хўжалиги директори Ўринбой Каримов, Усмон Юсупов районидаги Ульянов номли давлат хўжалиги директори Миродилла Сандов, Қарши 10-нон маҳсулотлари комбинати директори Мурод Ибодов ва бошқалар ўз меҳнат жамоаларида 150—200 киши «Ўзбекистон овози» рўзномасига идора ҳисобидан моддий рағбатлантириш тарзида обуна қилинганлигини айтдилар. Умуман обуна мавсуми Шаҳрисабз, Нишон, Қарши, Косон районлари, Қарши шаҳрида уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

Афсуски, ҳамма жойда ҳам бундай ташаббускорлик ва ташкилотчилик сезилмаяпти. Кўплаб шаҳар, район хўжаликлари ва корхоналарида олма пиш — оғзимга туш, қабилида иш тутиляпти. Натижада обуна ишлари суст кетаётир. Мухбирлар пунктига Чироқчи, Муборак, Баҳористон, Деҳқонобод, Ғузор, Китоб ва Ульянов районларидан келаётган хатларда обуна иши ўз ҳолига ташлаб қўйилгани ҳақида ташвишли хабарлар бор. Маҳаллий партия, совет ташкилотлари, хўжалик органлари раҳбарлари «Союзпечать» ходимлари, алоқачилар ва жамоатчи обуна тарқатувчилар қучидан унумли фойдаланиб, обуна ишларини жадаллаштириш тадбирларини кўришлари зарур.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Обуна баҳоси:

бир йилга — 25 сўм 68 тийин; уч ойга — 6 сўм 42 тийин.
ярим йилга — 12 сўм 84 тийин; Нашр кўрсаткичи — 64583

• *Янгиликдан хабаринг борми?*

•

АТЛАС ЦЕХИ ИШГА ТУШДИ

Наманган районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида ёрдамчи хўжаликларини кўпайтириш, ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш борасида ҳайрли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳозир хўжаликда консерва тайёрлаш, тикувчилик, дурадгорлик, тунукасозлик цехлари фаолият кўрсатяпти.

Яқинда хўжаликнинг Шамсиқул қишлоғида атлас тўқиш цехи ишга туширилди. Бинога 25 та атлас тўқиш дастгоҳи ўрнатилди. Эндиликда бу ерда маҳаллий аёллардан 27 нафари ижтимоий-фойдали меҳнат билан банд.

— Шу кунларда биз синов учун атласнинг «Кубик», «Спирал», «Томчи» нусхаларини тўқишга киришдик, — дейди цех бошлиғи Қодирхон Абдурахмонов. — Яқин ойлар ичида ҳамма дастгоҳларимизни тўла ишга туширсак, ойига 4-4,5 минг метрга етказиб атлас тўқиш имкониятига эга бўламиз.

А. ХОЛМИРЗАЕВ
Наманган вилояти.

ҚУРИЛИШ КОРХОНАСИ

Чироқчи районидаги Кўкдала қўрғонида хўжаликлараро агроқоммунал қурилиш ва таъмирлаш корхонаси ташкил этилди. Бу корхонани ишга туширишдан асосий мақсад — қишлоқда қурилиш ва таъмирлаш ишларини ривожлантириш, аҳолига шахсий уй қуришда яқиндан ёрдам беришдан иборат.

Янги корхона бинокорлари Кўкдала қўрғони ва унинг атрофидаги қишлоқ мактаблари, тиббиёт масканлари, боғча-яслилар ва бошқа маданий-маиший биноларни таъмирлаш ишларида ҳам фаол қатнашишади.

Йилига 500 минг сўмлик иш бажаришга аҳд қилганмиз — дейди корхона директори Келдиёр Абдурайимов. — Ҳозир ўз имкониятларимизни қайта ҳисоблаб чиқиб, қўшни районлардаги қишлоқ Шўролари ва аҳолидан ҳам буюртмалар қабул қиляпмиз. Келажакда корхонамизни йирик қурилиш ташкилотига айлантириш режамиз бор.

Н. ТОҒАЕВ,
Қашқадарё вилояти.

САДОҚАТ

Муҳиддин Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси дасталарининг шаклланиши ва ижодий равнақига биринчи навбатда эл орасида ўзининг мумтоз ижрочилик санъати, оригинал репертуари билан танилган устоз созанда ва хонандаларнинг хизматлари катта. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қувондиқ Искандаров ана шундай ижодкорлардан.

Санъат мухлислари Қувондиқ акани классик қўшиқларнинг моҳир ижрочиси сифатида ҳурмат қиладилар. Унинг бу борадаги ижодий изланишлари йиллар ўтган сари янгиланса-янгиландики, ҳеч қачон тўхтаб қолган эмас. Хонанда муваффақиятининг сирларидан иккитасини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Қувондиқ Искандаров адабиётни, хусусан, ғазалиётни яхши кўради, пухта билади. Алишер Навоийдан тортиб, Зокиржон Фурқатгача бўлган назм алломаларининг жуда кўп ғазалларига дўстлари, устозлари кўмагида куй басталаб, халққа тақдим этиб келяпти. Иккинчи омил шундаки, у устоз хонандаларнинг анъаналарини, ижрочилик услубларини юксак қадрлайди ва уларга изчил амал қилади. Хоразм мусиқа мактабининг тароналарини ўзига хос ижро этишга, бу наволарга янгича авжлар, пардалар улашишга интилади. Шу боисдан ҳам санъаткорнинг дастури ҳамма вақт қизиқиш билан кутиб олинади ва тингланади.

Қувондиқ Искандаров беназир истеъдод соҳиблари — ака-ука Ҳожихон, Нурмамат ва Эгамберган Болтаевлардан беҳад миннатдор. Ана шу санъат фидойилари ёш, умидли хонандага катта ишонч билан қараб, халқ ўртасида йиллаб янграб келаётган қўшиқларини ҳам ўргатишди. Айни вақтда шогирднинг ўзи топган ва ижро этишни орзу қилган ғазалларни ҳам ўқишиб, қўшиқ сифатида саҳнага чиқишига ёрдамлашдилар. Шу ҳақда сўраганингизда Қувондиқ ака яйраб кетади:

— Биласизми, устозларим шунчалик меҳрибон эдиларки, қисқа вақтда ҳаяжонланиш деган нарсани эсдан чиқарганман. Ҳар бир айтадиган қўшиғимни жон қулоғи билан эшитиб, таҳлил қилиб беришарди. Баъзан талқинда адашсам ёки авж пардани бузиб қўйсам, тилла топгандай танбеҳ беришмасди. Аксинча, мана шундай камчиликлар ҳам бўлиб туриши керак, бўлмасам изланишларинг «ҳаволаниб» кетиши мумкин, дейишарди улар жонкуярлик билан. Ижодий жиҳатдан шаклланишимни ана шу акаука санъаткорлар кўмагисиз тасаввур қилолмайман.

Ҳа, устозлар ўгитига амал қилган хонанда қисқа вақт ичида ўзининг мустақил дастурини етук ижрочининг равнақли изланишлари сифатида кўрсата олди. Тўғри, изланиш йилларида унга Комилжон Отаниёзсадай бетакрор ҳофиз ҳамқадамлик ва ҳамнафаслик бахти ҳам насиб қилган эди.

• *Санъат оламида*

Атоқли ҳофиз «Лазги» дастасини ташкил қилганида биринчилар қаторида Қувондиқ Искандаровни унга таклиф этди. Халқимиз «Лазги»ни катта қувонч, айтиш мумкинки, ҳар галги концертини интизорлик билан кутиб ола бошлаган дастлабки йилларда Комилжон Отаниёзовнинг журналистлар ҳузурида айтган бир гапи ҳамон эсимизда.

— «Лазги»нинг ютуқларини фақат менга „боғлаб қўймасликларингизни илтимос қиламан. Бу серзавқ, эътирофли изланишларда Коммуна, Қувондиқ, Марям ва Гулсараларнинг ҳиссаси ҳам катта. Агар шу истеъдодлар бўлмаса, мен ким бўлишимдан қатъи назар, дастани профессионал ижодий жамоа сифатида шакллантира олмасдим...

Устоз эътирофига сазовор бўлган Қувондиқ Искандаров «Лазги»нинг жонкуярларидан бири сифатида фаолият кўрсатиб, яқин вақтларгача унинг ўйи билан, унинг ғами билан яшади, ижод қилди. Саксонинчи йилларда дастага қабул қилинган ва бугунги кунда фаол меҳнат қилаётган жуда кўп талантли ёшлар Қувондиқ аканинг шогирдларидир. Уларнинг репертуарини кузатсангиз, устоз хонанда узоқ йиллардан бери куйлаб келган машҳур қўшиқларни учратасиз. Шуниси қувончлики, шогирдлар ижросида Қувондиқ Искандаровнинг анъаналари яққол кўриниб, билиниб туради.

Ҳассос хонанда «Лазги» изланишларинигина эмас, балки, бутун филармония фаолиятини ўйлайди. Муҳокамалар, бадиий кенгашларда ўзининг фикр-мулоҳазалари билан иштирок этиб, халққа тақдим этилаётган ҳар бир янги асар етук ва баркамол қўшиқ, куй сифатида улашилишини таклиф қилади. Пенсияга чиққан бўлса ҳам бир оёғи — ҳамон қадрдонлари ижодий меҳнат қилаётган филармонияда. Хизматни қойилмақом қилиб қўйган бўлсангиз, шогирдларингиз атрофингиздан аримаса, даминг изни олиб, уйда, боғингизда ижод қилиб ётмайсизми десангиз, таниқли ҳофиз дилидагини яширмайди:

— Нега энди жонажонларимдан четда дам олиб ётарканман?! Филармония ва унинг жонкуярлари туфайли эл эъзозини топганман. Менга ҳамнафаслик қилган ёш талантлардан ҳам миннатдорман. Саҳнадошларим олдида ҳамиша бурчлиман.

Ана шундай садоқатли устозни — мусиқа маданиятимиз равнақига катта ҳисса қўшган моҳир, хушсоз ҳофизни филармониячилар ҳам эъзозлашга интиладилар. Улар айни кунларда Қувондиқ Искандаровнинг олтмиш йиллигини нишонлашяпти. Эрта-индин устоз ва шогирдлар жўрлигида янграйдиган янги таронани санъат мухлислари қувонч билан кутиб олсалар, ажаб эмас...

М. АВЕЗОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СОТУВГА КАРТОШКА ЧИҚДИ

● Хўжалик ҳисобидаги Урганч мева-сабзавот тайёрлаш ва сотиш корхонаси жамоаси аҳолини қиш мавсумида мўлкўл озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга пухта ҳозирлик кўрмоқда. Бугунгача корхона омборларига 4 минг тоннадан зиёд картошка, сабзи, пиёз ва бошқа мева-сабзавот маҳсулотлари жамғариб қўйилди.

Тайёрлов корхонаси аҳолига бир кунда 30 тоннага яқин қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳам сотмоқда. Бундан ташқари хоразмлик тадбиркорлар Россия, Белорусь, Қозоғистон ва Польшадан маҳсулот айирбошлаш асосида картошка ҳам келтиришяпти. Ҳозир четдан келтирилган маҳсулот сараланиб, пешма-пеш сотувга чиқарилмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Маҳсулот қиш фаслига сақлаш учун сараланяпти. 2. Хива районидаги Ленин номли жамоа хўжалигида картошка сотуви йўлга қўйилган.

Қ. ОТАЕВ (ЎзТАГ) олган суратлар.

СПОРТ

МАРРАДА БИРИНЧИ

● МАЪЛУМКИ, тошкентлик моҳир велосипедчи Жамолиддин Абдужабборов профессионал пойгачилар сафида куч синашмоқда. У ҳозир Италиянинг «Каррера» клуби аъзоси бўлиб турибди. Чаққон ва чапдаст велосипедчи турли мусобақаларда муваффақиятли куч синашиб, мухлислар эътиборини қозонмоқда. Яқинда у Италия йўллари бўйлаб ўтказилган халқаро мусобақада яна бир ўзини кўрсатди. У 193 километрли йўлни тўрт соат 27 минут, 15 секундда босиб ўтиб, маррада биринчи бўлди.

ҚИТЪА СОВРИНЛАРИ

● ЕВРОПА кубоклари учун навбатдаги учрашувлар ўтказилди. Пойтахт спартакчилари Грециянинг АЕК клубини қабул қилишди. Майдон эгалари қанчалик зўр беришмасин, ҳисоб очишнинг иложи бўлмади. Дарвозалар дахлсиз қолди. Бу билан футболчиларимиз сафарда ўтказиладиган такрорий ўйин олдидан қийин аҳволда қолишди. Москва торпедочилари эса Чехословакиянинг «Сигма» футболчиларининг меҳмони бўлишди. Торпедочилар ҳам спартакчилар каби УЕФА кубоги учун курашни давом эттириш борасида имкониятни бой беришди. Улар дарвозаларидан иккита тўп ўтказиб юбордилар. Даниянинг «Брондбю» жамоасини қабул қилган Киев динамочилари ҳам учрашувни дуранг қилишди. Чемпионлар кубоги учун курашаётган бу жамоалар ўйини 1:1 ҳисобида тугади.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

«ҲАЁТ ВА ИҚТИСОД»



УРТА ОСИЕ ҲУДУДИДАГИ ЯГОНА ИҚТИСОДИЙ НАШР ХИСОБЛАНАДИ.

«Ҳаёт ва иқтисод» — асосан ишбилармонларнинг, бизнесмен ва менеджерларнинг, иқтисод билан шуғулланувчи олимларнинг, талабаларнинг, ўқувчиларнинг ойномаси.

Ойнома саҳифаларидаги шарқ иқтисодиёти тарихи зарварақларидан, бугунги иқтисодий аҳвол ҳақидаги маълумотлардан хабарсиз қолмай десангиз

«ҲАЁТ ВА ИҚТИСОД» ОЙНОМАСИГА ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!

Ойномага обуна «Матбуот уюшмаси» агентликлари ёки алоқа бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинмоқда.

«Ҳаёт ва иқтисод»нинг йиллик обуна нархи — 8 сўм 40 тийин, ярим йиллиги 4 сўм 20 тийин, уч ойлиги эса 2 сўм 10 тийин.

Шуни эслатиб ўтамизки, 1992 йилда ойнома обунаси учун 70 тийин, сотувда эса икки баравар қимматроқ — 1 сўм 50 тийин бўлади.

Обуна варағини тўлдиришда нашр рақамини ёзишни унутманг — **75481.**

„ЭЛЕКТРОНИКА"

ТОШКЕНТДАГИ «ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМАЛИ ДУКОН-САЛОНИ ҚУЙИДАГИЛАРНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ:

ЧАНС-2 м тери орқали таъсир кўрсатадиган электронейростимулятор кўпроқ невротик оғриқларни йўқотиш ва қатор шамоллаш касалликларини даволаш учун мўлжалланган.

Оҳанраболи қисма зираклар бош оғриғи, мигрень, бош айланиши, ҳафақон касалликлари ва кўнгил айниганда аурикуляр оҳанрабо муолажаси учун мўлжалланган.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй. Телефонлар: 33-78-34, 33-68-60.

ССР ИТТИФОҚИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ НОМИДАГИ САМАРҚАНД «КАНОП» ЗАВОДИ

Анжуманлар ўтадиган заллар, клублар, маданият уйлари ва саройлари, театрлар, кинотеатрлар, дам олиш хоналарини жиҳозлаш учун овоз кучайтиргич аппаратларининг туркумини

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Аппаратлар ишлаб чиқариш хоналари, кашшофлар оромгоҳлари, мактаблар, саёҳатчилар ва спорт базаларида овоз беришда, турли тадбирлар ва мажлисларни ўтказишда, баланд овозли алоқада, маҳаллий радио тармоғидан эшиттиришларни олиб боришда ишлатилиши мумкин.

Завод мутахассислари Сизга зарур бўлган аппаратларни танлашда, уни бутлашда ёрдам кўрсатадилар, шунингдек, зарурат бўлса ишга туширишга-созлаш ишларини ҳам бажарадилар.

ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА МУРОЖААТ ЭТИЛСИН: 700034, Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 36-уй, «Каноп» заводи.

Телефонлар: 24-37-95, 24-23-03, 24-47-57.

• Арзномалар, хангомалар

БИР КЕЛИБ КЕТИНГ, ҚИШЛОҒИМИЗГА

Бахмал районида Уяс деган қишлоқ бор. У ерда икки мингдан зиёд аҳоли яшайди. Афсуски, аҳвол яхши эмас. Кишилар бундан қаттиқ ташвишланмоқдалар.

Яқинда мен уяслик Облоқул Ҳожиметов, Абдуғаффор Ҳайдаров, Раҳматулла Мирзакаримов, Пардабой Эсонбоев, Абдурашид Абдиев, Тўлғон Мирзакаримова, Эгамберди Саидов ва Юсуф Убайдуллаевлар билан суҳбатлашдим. Улар ўз арзу додларини ёзиб беришди. Унда мана бундай дейилади:

«Биз «Партия XXIV съезди» давлат хўжалигида яшаймиз. Қишлоғимизнинг номи Уяс, қўшни қишлоқнинг номи Муғол. Иккови ҳам бир ариқдан сув ичади, борди-келдимиз бор. Совхоз тузилганига роса 20 йил бўлди. Хўжалик раҳбари ва бош мутахассислар фақат Муғол қишлоғидан тайинланиб келингани сабабли асосий эътибор шу қишлоқ қаратилмоқда. Мана, масалан, Муғол қишлоғида нималар бор:

1. 1500 бош молга молхона (бу ерда 90 киши меҳнат қилади).
2. 240 ўринли болалар боғчаси.
3. 140 минг сўмга солинган ҳаммом.
4. Табиий газ.
5. Водопровод суви ва асфальт йўл.
6. 800 ўринли уч қаватли мактаб.
7. Ўнлаб уй-жойлар ва ҳокозолар.

Хўжаликдаги учинчи қишлоқ Новқада (совхоз уч қишлоқдан ташкил топган) қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Энди биз истиқомат қиладиган Уяс қишлоғига эътибор беринг:

1. 9—10-синф болалари ёрдамида ҳашар йўли билан солинган мактаб.

2. 25 ўринли болалар боғчаси. Боғча биносининг яримига бўлим идораси жойлашган.

3. Қаршибой Холбоев исмли киши бош бўлиб қурдирилган дала шийпони. Бу ҳам қаровсиз ҳолда ётибди.

Биз Тошкентга ва Жиззах вилояти раҳбарларига мурожаат этдик. Нажот йўқ. Умидимиз «Ўзбекистон овози» рўзномасидан».

Уяс қишлоғида яшовчи кишиларнинг бу хатида заррача ҳам уйдирма йўқ. Ҳаммаси ҳақиқат. Ишонмаган кишилар келиб, ўз кўзлари билан кўришлари мумкин.

Уясликлар мутасадди раҳбарларга қайта-қайта арз қилиб: «Бир келиб-кетинг қишлоғимизга!» — демоқдалар.

Ишончимиз комилки, уларнинг додини тингловчи ва ёрдам қўлини чўзувчи муруввати кишилар топилади.

С. АҲМЕДОВ,
«Ўзбекистон овози» жамоатчи мухбири.

ҚИШДА ЎЗИНГ БИЛАСАН

● Хатни Қарнабчўл бағридаги Таромуш қишлоғидан йўллачпман. Биз яшаётган маскан Жом қишлоғининг жанубий этагига улашиб кетган. Минг афсуски, етарли имкониятларга эга эмасмиз. Буларнинг энг асосийси қишлоғимизда сувнинг йўқлигидир.

Ўн йил аввал ҳовлимиз олдидан бир тегирмон сув оқарди. Кўкаламзорлаштириш ҳам жойида эди. Тоғдаги чашмага водопровод қувури уланди-ю, сув қуриди қолди. Ўшандан буён юз-қўлимизни ювишга ҳам бир километрдан, артезиан қудуғидан сув ташиймиз. Қишлоқнинг аҳволига қараб бўлмайди. Дарахтлар қуриб, чанг-тўзон кўтарилгани-кўтарилган. Ёздаку бир амаллаймиз, аммо қишда сув учун навбатда туриш, ташиш болаларимиз учун жуда қийин бўляпти.

«Жом» давлат хўжалиги директори Мамат Абдуллаев ваъдадан нари ўтмаяпти. «Шошманглар, водопровод қуриш масаласи келаси йил режасига киритилган». У кишининг бундай сўзига тоқатимиз қолмади. Бўлмаса, истиқомат уйларидан 250 метр нарида водопровод қувури ўтган. Бундан ташқари қишлоғимизга артезиан суви учун мўлжалланган қувур ҳам ётқизилган эди. Фақат бу қувурнинг иккала томонини очиб юборадиган мард топилмай турибди. Эътиборсизлик ҳам шунчалик бўладими?

Тўғри, қишлоқ ёнида сув минораси қад ростлаган. Аммо, у бор-йўғи бир соат ишлатилади, холос. Ёнилғи йўқ, деб ўчириб қўйишади. Нима биз бундан буён ҳам «ариқ тўла сув оқар, ташнаю вор болам», деб қўшиқ айтиб ўтиравермизми. Ахир халқимиз ёз ёпинғичигни қўйма, қишда ўзинг биласан, деб бекорга айтмайдику.

Қишлоқ аҳли номидан Насим Холиқулов, Комил Нормўминов, Отақул Тожиев ва бошқалар.

● ТОЖИКИСТОНДАН ХАТ

ҚУРОЛДОШИМНИ ИЗЛАЙМАН

1942 йили урушга йўл олганман. Белоруссия фронтида жанг қилиб, Варшавани озод қилишда қатнашдим. Жангоҳларда ҳамиша тошкентлик қуролдош дўстим Жўра Ҳамроев билан бирга бўлдим. Унинг ўзига хос фазилати, жасур ва чаққонлиги менга маъқул келарди. Биргалашиб, хандақлардан туриб фашистларга қарши жанг қилганмиз. Галаба тонгини ҳам бирга қаршилаганмиз.

Мен 1947 йили уйга қайтдим. Қуролдош дўстимнинг Тошкентнинг ўша вақтдаги Ўқчи-Ялта кўчаси 75, 5-уйида меҳмон бўлганман. Кейин уни йўқотдим. Алоқамиз узилиб қолди. Қуролдошимни ҳамиша кўргим келади. Ундан дарак топганлар Қўрғонтепа вилоятининг Панж шаҳри, Завод кўчаси, 4-уй манзилига икки энлик хат билан маълум қилишса, кўп миннатдор бўлардим.

М. ИСАЕВ.

Тошкент Давлат техника доирифунуни ректорати, машина ва аппаратларни лойиҳалаш куллиёти жамоаси қишлоқ хўжалиги машинасозлиги кафедрасининг илмий ходими Б. Тошқуловга онаси

Мунаввар Муродовна ТОШҚУЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент автомобиль ва йўллар олий билимгоҳи ректорати, жамоат ташкилотлари ва сиёсий иқтисод кафедраси жамоси доцент Ф. Ғаниҳўжаевага онаси

Мунаввар ҒАНИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Жумҳурият Телекўрсатув Маркази жамоаси, телевидение цехининг муҳандиси Н. Қодировга умр йўлдоши

Пўлат ҚОДИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Жумҳуриятн Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор

Қаҳрамон Сатторович САТТОРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Давлат сув қурилиши комитетининг Малака ошириш илмгоҳи жамоаси илмгоҳ доценти Н. Н. Мирзаевга отаси

Назар Ҳумарович МИРЗАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон жумҳурияти Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси илмгоҳи жамоаси кўмарин ва терпеноидлар кимёси лабораториясининг катта илмий ходими Э. Х. Ботировга отаси

Ҳожиакбар БОТИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ ЖАМОАСИ

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 6121. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 19.00. № 207.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12